VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

18 (183) ● 2012 йил 2 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



**Фуқаролик жамиятини ривожлантириш**

Тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи, тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва мақсадларни амалга оширишда партиямизнинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларимиздан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



**Миллий матолар**

Наманган вилоятининг Чортоқ тумани Ойқирон қишлоғида яшовчи Марҳаматхон Тўхтабоева 2010 йили «Раҳимжон Умаров» хусусий корхонасини ташкил этиб, атлас, адрас, беқасам каби миллий матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 5 кишилик жамоа билан иш бошланган корхонада ҳозир ишчилар сони 25 нафарга етди.

6 ЖАРАЁН



**Сўзлагувчи ёғочлар**

Жасвант Анназаров олий ўқув юртининг бакалавр йўналишини тугаллагач, билимларини мустаҳкамлаш ниятида магистратурага ўқишга киради. 2009 йили ҳайкалтарошлик бўйича МДҲ давлатлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ўзбек усталари нималарга қодир эканлигини намойиш қилди.

8 КЎЗГУ

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари — элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий сиёсатда муҳим ўрин тутадиган, улкан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ислом Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриклаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга асос бўлган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган.

2011 йилнинг январь ойида Брюсселда бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокара ва унинг якунлари юзасидан имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли мулоқотларга янги суръат бахш этди.

Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда Европа инвесторлари иштирокида тузилган 840 дан зиёд корхона ўзаро манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатмоқда, ЕИга аъзо мамлакатларнинг қарийб 270 етакчи компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган. 2011 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан умумий савдоси ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Норбер Жустен самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

**ЎзА**

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА









## Фракция ва депутатлик гуруҳлари

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "ЎзМТДП фракциясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш масалалари"га бағишланган семинар ташкил этилди. Унда партиянинг Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДПнинг депутатлик гуруҳлари вакиллари, ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

Семинар партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва жойлардаги депутатлар гуруҳлари ўртасида мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ЎзМТДП электорати манфаатларини ифода этишга қаратилган ташаббускорлигини ошириш каби долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди.

2-бет

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари

### СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ижроси юзасидан вазирлик ва қўмита раҳбарларининг ахбороти эшитилди.*

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлар ва қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси жадал суръатлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда.



Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

4-бет

ТАРҒИБОТ

*Ёшлар мамлакат келажаги, жамият таянчидир. Уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги иштирокини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Келажагимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз ривожи йўлидаги изланишларини қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.*



## XXI аср — интеллектуал авлод асри

### ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти", Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда "XXI аср — интеллектуал авлод асри" шиори остида "Глобаллашаётган дунёда Ўзбекистон ёшларининг ўрни" мавзусида очиқ мулоқот ўтказилди. Унда партия вилоят Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, ҳамкор ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, ёшлар ҳамда Республика ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди.

2-бет

ЎҚУВ-СЕМИНАР

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

### ЖАРАЁНИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга жорий этишда партиянинг иштирокини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.*

3-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

● ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



## Фракция ва депутатлик гуруҳлари

### ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда сўзга чиққан ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов, юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида кенг қамровлиислоҳотлар амалга оширилмоқда, деди. Бу эса, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар зиммасига масъулиятли вазифалар юклаш билан бирга, фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади.

Албатта, бу йўналишда самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу боис партия Марказий Кенгаши томонидан депутатлик гуруҳлари ишини тубдан кучайтириш ҳамда электорат манфаатлари ва партиямиз ғояларидан келиб чиқиб "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш", "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш" ва "Ҳудудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқишни тавсия қилди ва ушбу масалаларга оид таҳлилий концепцияни тақдим этди, деди партия раҳбари.

Йиғилишда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ахбороти тингланди.

— Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш, жойларда ҳукуматимиз қарор ва фармонларининг изчил бажарилишини назорат қилиш мақсадида маҳаллий кенгаш сессияларида ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлиги таъкидланди. — Хусусан, ўтган даврда вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган 13 та масаладан 6 таси депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан амалга оширилган.

Ҳудудда сайловчилар ва электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш мақсадида "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида", "Санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижроси тегишли доимий комиссия ва депутатлик гуруҳи томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига киритилган ва тегишли қарор қабул қилинган. Шу билан биргаликда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фуқароларнинг хавфсизлиги ва ҳуқуқий манфаатларига тааллуқли бошқа қатор масалалар ҳам депутатлик гуруҳимиз диққат марказида бўлган. Жумладан, "Автомобилда йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш" масаласи ҳам мутасадди идора ва ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, вилоят Кенгашига олиб чиқилган. Бундан ташқари депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан вилоятдаги таълим муассасалари кутубхоналарини зарур адабиёт ва махсус дарсликлар билан таъминланганлик ҳолати ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли идораларга мурожаат қилинган ва ижобий ҳал этилган.

Тадбирда "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзМТДПнинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Улуғбек Жалменов маъруза қилди. Нотиқ сайловчилар ва партия электорати манфаатларини таъминлаш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини янада кучайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Семинарда сўз олганлар партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳлари аъзоларининг жойлардаги ҳокимлар қарорлари устидан назоратни амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ҳокимликлар олдига аниқ таклиф ва масалалар қўйишлари ҳамда уларни ижобий ҳал этилишига эришиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев партия депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, улар ташаббускорлигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ахборотларини партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда МК Ижроия Қўмитаси ҳамкорлигида тинглаш амалиётини бугунги кун талаблари асосида давом эттириш, маҳаллий кенгашлар депутатларини амалдаги қонунлар, Президентимиз асарлари, фармонлари, қарорлари, партия ҳужжатлари, шунингдек, сиёсий иш кўникмалари мазмун-моҳияти билан узлуксиз таништириб бориш учун алоҳида ўқув-семинарларни ташкил этиш зарурлигини қайд этди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

● ТАРҒИБОТ

## XXI аср — интеллектуал авлод асри

### ШИОРИ ОСТИДА ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир бугун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнида фарзандларимизни турли салбий иллатлардан асраш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билим ҳамда кўникмаларини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

— Ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш, ҳаётга кириб келаётган мамлакатимизнинг ёш фуқароларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўринларини топиши учун зарур ҳуқуқий ва самарали механизмларни кучайтиришга кўмаклашиш партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади, - деди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси Раъно Худойқулова. — Шундай экан, зиммамиздаги масъулиятни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этишимиз лозим. Айниқса, бугунги кунда шиддат билан кириб келаётган, турли ниқобларга ўралган "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига мафкуравий таъсир ўтказиши катта муаммога айланган. Қолаверса, бу каби хуруж ва таъсирлар билан деярли ҳар куни рўбарў келамиз. Жумладан, компьютер технологиялари, кино, эстрада, интернетдан нотўғри фойдаланиш натижасида мафкуравий, маънавий таҳдидлар бевосита ёш авлод маънавиятига ёт ғояларни сингдиришга интилаётгани сир эмас. Шу сабабли ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишимиз лозим. Зеро, бундай ғояларга қарши фақат миллий мафкурамиз мустаҳкамлиги билан жавоб бериш, яъни ғояга қарши ғоя билан курашишимиз керак.



Йиғилишда сўз олган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари Рустам Норлиев мамлакатимизда ёшларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилганлигини алоҳида эътироф этди. Нотиқ глобаллашув жараёнларида ёш авлодни ёт ғоялар ва "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратди.

Очиқ мулоқот давомида турли интерактив ўйинлар орқали ёшларнинг таклифлари ўрганилди. Тадбир якунида фаол иштирок этган ёшларга ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нигора НОРМУРОДОВА, ЎзМТДП Музробод туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:**

— Энг муҳими, ушбу тадбир воситасида фаолиятимиз учун муҳим бўлган кўплаб янги ғоя, таклиф ва тавсиялар олдик.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнида турли таҳдидлардан ҳимояланиш учун, энг аввало, ёшлар маънавиятини юксалтириш ижобий самара беради. Бу борада партиямиз дастурий мақсадлари нуқтаи назаридан тарғибот-ташвиқот ишларига кўпроқ эътибор беришимиз лозим. Очиқ мулоқот давомида тақдим этилган маъруза ва баҳс-мунозаралардан шуни англадимки, ўзимиз фаолият олиб бораётган ҳудуд ёшларини ёт ғояларга қарши курашиш масалаларига жалб этиш орқали кўзлаган мақсадимизга эришишимиз мумкин.

**Беҳруз КАРИМОВ, ЎзМТДП Термиз шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:**

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олиб, баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилиб, замонавий услубда янги мактаб, лицей ва коллеж бинолари қурилди, мавжудлари капитал таъмирланди.

Мухтасар айтганда, модомики юртимиз эртаси ёш авлод камолоти билан узвий боғлиқ экан, бунинг учун соҳада амалга оширилаётган ишларга ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кўмаклашиш, мазкур жараёнда фаол иштирок этишимиз лозим. Бу борадаги тарғибот ишларини янада кучайтириш, ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиш ва олдимиздаги масъулиятни бир сония бўлсин унутмаслигимиз даркор.

**Нилуфар ХЎЖАМШУКУРОВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот котиби**

● ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## Тарихий ёдгорликлар

### УЛАРНИ АСРАШ ВА АСЛ ТАРИХИНИ ТИКЛАШГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ноёб миллий дурдона — маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш, уларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тикланаётган ҳақиқатлар Ўзбекистоннинг янги тарихи саҳифаларини бойитмоқда. Яқин-яқингача халқимиз эътиборидан атайин узоқлаштирилган Имом ал-Бухорий, Мотуридий сингари аждодларимизнинг номлари улуғланди, қадамжолари ободонлаштирилди. Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур сингари шавкатли саркардаю соҳибқиронлар номи ва тарихи мустақиллик шарофати билан қайта тикланди.***

Аждодларимиз бой маданий меросини асраб-авайлаш, илмий жиҳатдан ўрганиш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида Тайлоқ туманида бўлдик. Туман ҳокимлиги тақдим этган тарихий ёдгорликлар рўйхатида Абдураҳмон ад-Дорамий зиёратгоҳи XII аср ўрталарида, Имом Фахриддин зиёратгоҳи XIII аср, Талаб ота зиёратгоҳи XVII аср ва Тайлоқ ота ёдгорлиги XV аср охирларида қурилганлиги қайд этилган.

Ёдгорлик ёнидаги чойхонада гурунглашиб ўтирган Намоз бобо Исоқулов, Ҳаким бобо Халилов, Аҳмад бобо Каримов даврасига қўшилиб, зиёратгоҳ тарихи билан қизиқдик.

— Бу жойлар ҳақида ота-боболаримиз ота-боболаридан эшитганларини айтиб беришган, - деди 87 ёшни қаршилаган Намоз бобо. — Зиёратгоҳ ва унинг ёнидаги чинорлар, ҳовуз ва балиқлар ёшини улар ҳам билишмас экан. Қаранг, чинорларнинг энг қадимгилари еттита, ҳар бири жуфт-жуфт. Шу сабабли бу жойни халқ "Қўшчинор" деб ҳам атаган.

Бу ердаги ёдгорлик тарихини кўпчилик билмас экан. "Қирққиз" рамзий қабри ёдгорлиги тарихи, маданий мерос сифатидаги аҳамияти тўғрисида ҳам ҳеч кимдан ҳеч қандай маълумот ололмадик. Қишлоқ зиёлилари саволимизга жавобан, олимларимиз, тарихчи манбашуносларимиз илмий-тадқиқотлар олиб бориб, хулосаларини беришса ёшлар ва меҳмонларни қизиқтираётган кўплаб саволларга илмий ва асосли жавоб бериш имконияти пайдо бўларди, дейишди.

"Талаб ота" зиёратгоҳи "Таллиота" маҳалласида жойлашган. Маълумотларга кўра, зиёратгоҳдаги мақбара XVII асрда бунёд этилган. Зиёратгоҳ мутасаддиси Фарҳод Шариповнинг айтишича, мақбара охирги марта 1998 йилда ҳашар йўли билан таъмирланган. Устунлари эса орадан ўн йил ўтганидан сўнг бўёқ қилинган.

Туман маркази — Тайлоқ қўрғонида жойлашган "Тайлоқ ота" зиёратгоҳи 1593 йилда бунёд этилган. Бу ерда бўлганимизда қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўлдик: "Тайлоқ ота" зиёратгоҳи ёнидан ҳашар йўли билан янги бино қурилиши бошланган. Устунлари асосан темир трубалардан иборат бўлган улкан иморат қадимий ёдгорлик устини булутдек қоплаб олган. Энг ёмони, янги бино ёдгорликнинг кун ботиш томонидаги айвони устидан тушган. Натижада ёдгорлик айвонининг икки жойи очилиб, болор ва шопиллари кесиб ташланган: темир устунлар учун туйнуклар очилган. Янги айвон саҳни анча баланд бўлганлиги сабабли ўймакорлик билан зийнатланган қадимий устунларнинг бир қанчаси салкам ярмигача тупроқ остида қолиб кетган. Шу зайл бу ердаги тарихий аҳамиятга эга, қурилганига салкам 420 йил бўлаётган қадимий ёдгорликнинг асл ҳолатига жиддий зиён етказилган. Қадимий ёдгорликнинг вассажуфт икки ёни ва олд томонидаги айвонда 18 та нақшинкор устун, ўймакорлик билан зийнатланган 100 та болор мавжуд. Шопилларнинг бирида "1984 йилда уста Муҳсин ибн Мусо томонидан таъмирланган" деган ёзув бор. Афсусланарлиси, "Тайлоқ ота" зиёратгоҳи тўғрисида ҳам деярли ҳеч қандай маълумот ололмадик. "Тайлоқ ота" номига бунёд этилган рамзий қабр, ўрнатилган ёдгорлик ҳам тахминий маълумотлар асосида қурилган экан. Тумандаги деярли барча ёдгорликлар илмий ўрганишга, асл тарихи қайта тикланишга муҳтож. Бутун бошли туман "Тайлоқ", деб номлансаю "Тайлоқ ота" тарихини ҳеч ким билмаса.

Тайлоқ туманида ЎзМТДПнинг 865 нафар аъзоси бор. Уларни 16 та бошланғич партия ташкилоти бирлаштириб турибди. Қолаверса, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан 5 нафар депутат сайланган. Модомики шундай экан, нега улар мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун ташаббус кўрсатишмаяпти? Депутатлар-чи, нега улар партия дастурий мақсадларига бевосита тегишли бўлган муаммоларни туман кенгашининг 11 марта бўлиб ўтган сессияси кун тартибига кўтариб чиқишмаган? Ваҳоланки, туман кенгашининг бешинчи сессиясида туманни ижтимоий-маданий ривожлантириш масаласи кўриб чиқилганди.

Бундай ҳолат вилоятдаги барча ҳудудий ташкилотлар учун ҳам сабоқ бўлмоғи лозим. Токи, ЎзМТДП дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар жойларда тўлақонли амалга ошсин.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

● БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Мустаҳкам қуйи бўғин

### АМАЛИЙ НАТИЖА МЕЗОНИ

***Бугунги кунда бирор бир фуқарони партиямиз сафига қабул қилиш эмас, балки унга аъзо бўлган шахсни сиёсий фаол, партия ишига фидоий, шу билан бирга ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини амалга оширишда ташаббускор ва изланувчан бўлишига эришиш муҳимдир. Бунда партиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи — электоратга энг яқин бўлган бошланғич партия ташкилотларининг ўрни жуда катта. Чунки ЎзМТДП сафининг изланувчан, шижоатли, партия мақсадларига ишонган фуқаролар билан кенгайишига эришиш БПТ зиммасидаги энг устувор вазифалар сирасига киради.***

ЎзМТДП Пахтакор туман Кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилоти нафақат мазкур ҳудудда, балки партия Жиззах вилоят Кенгаши тасарруфидаги энг йирик қуйи бўғинлардан бири саналади. 2010 йилда ташкил этилган ушбу БПТ дастлаб 12 нафар партия аъзосини бирлаштирган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 100 нафардан ошди.

— Ташкилотимиз томонидан ўтган қисқа давр мобайнида партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўплаб ишлар амалга оширилди, - дейди БПТ етакчиси Э.Болибеков. — Хусусан, партия электорати манфаатларини ифода этган ва уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар ташкил этилди. Бу борадаги ишларда партия туман Кенгаши, маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар билан яқин алоқаларимиз ижобий самара бермоқда.

Дарҳақиқат, ҳудудда ўтказилаётган барча тадбир ва қилинаётган амалий ишларда мазкур бўғин аъзоларининг алоҳида ташаббускорлигини кузатиш мумкин. Жумладан, партия аъзолари ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришга кўмаклашиш борасида қуйи бўғин етакчилари кўрсатаётган ташаббус алоҳида эътирофга сазовор.

Албатта, ўтган икки йил давомида қуйи бўғин фаолиятида партияга аъзоларни жалб қилиш борасида ижобий натижага эришилганини БПТ фаолларининг аъзолар билан мунтазам равишда ишлаши, партия дастурий вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш ва, энг муҳими, электорат манфаатларини таъминлаш борасидаги ташаббускорлиги ва фидойилиги билан изоҳлаш мумкин.

Партиямиз бош таянчи бўлган қуйи бўғинлар иши самарадорлигини оширишда нималарга эътибор қаратиш зарур, деган саволимизга БПТ етакчиси Э.Болибеков қуйидагича жавоб берди:

— Бу борада ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, мазкур соҳада муайян тажриба тўпланган. Шунга қарамай ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талай. Жумладан, партия етакчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш, ҳудудларнинг ўзаро тажриба алмашишига имконият яратишимиз лозим. Давр шиддат билан ўзгармоқда. Сиёсий фаолиятни олиб боришнинг усул ва услублари такомиллашмоқда. Шу боис биз янги сиёсий технологиялардан бохабар бўлиб, уларни ўз иш тажрибамизда қўллашимиз керак.

**Дилноза ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**ЎҚУВ-СЕМИНАР**

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

**ЖАРАЁНИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ**







(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирда иштирокчилар бухгалтерия ҳисобини аниқ юритиш, ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва замонавий техник восита ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга мувофиқ тўғри, самарали сарфлаш ва асосий воситалар ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориш юзасидан янги билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Семинарни очган ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев Концепцияда илгари сурилган устувор йўналишлар ҳамда партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

— Тараққиётимизнинг янги истиқболларини белгиловчи, тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида ҳаётимиздан ўрин олган Концепцияда илгари сурилган ғоя ва мақсадларни амалга оширишда партиямизнинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларимиздан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади, - деди нотиқ. — Зеро, бугунги ислоҳотлар жараёни сиёсий партиялар олдига ўз аҳамияти жиҳатидан муҳим ва кенг қамровли вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил бажариб, партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга эришишимиз лозим.

Ўқув-семинарда "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да илгари сурилган ғоялар ва устувор вазифаларни ҳаётга жорий этишда ЎзМТДПнинг иштироки", "Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг норматив-ҳуқуқий асослари, уларни такомиллаштириш ва мукаммаллаштириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш", "Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш", "Бюджет интизомига риоя қилинишини назорат қилиш" ва "Устав ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида жойларда партия ҳужжатларини расмийлаштириш ва юритиш борасида ўзаро тажриба алмашиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар янада чуқурлашиб, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги ўрни, муҳим қарорлар қабул қилишдаги роли тобора ортиб бормоқда, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Тўхтабоев. — Мазкур жараёнда партия кадрларининг маънавий, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг зарур малака ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади. Ушбу ўқув-семинар айнан ана шу масалаларга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси девони ходимлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари девон раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ҳисоб палатаси масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

*Бугун мамлакатимизда демократик жараёнлар кучайиб бормоқда. Энг муҳими, халқимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги ошиб, уларнинг сиёсий партияларга нисбатан муносабати ўзгармоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аввалги вақтлардан фарқли ўлароқ бугун сайловчилар қайси партия қандай ғоя-мақсадларни илгари сурмоқда, сайлов пайти қандай ваъдалар берди — буларнинг барчасини аниқ билади ва умумий жараённи зийраклик билан кузатиб бормоқда.*

**ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА**

## Депутатлик масъулияти

**УНИ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ**

Сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформаларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда энг аввало депутатлар фаолиятини кўздан кечирдик. Аввало, шуни айтиш зарурки туман Кенгашига ЎзХДПдан 12, ЎзЛиДеПдан 9, ЎзМТДПдан 5 ва "Адолат" СДПдан 4 нафар депутат сайланган. Ўтган 2011 йилда туман Кенгашининг 7 та, жорий йилда эса 2 та сессияси бўлиб ўтган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барча депутатлик гуруҳлари, хусусан, ЎзХДПдан сайланган депутатлар партиянинг дастури ва ғоясига ҳамда электорат манфаатларига мос таклифлар билан сессияларда фаол иштирок этишаётгани йўқ.

Маълумки, ЎзХДП аҳолининг ўтган сессияларда ХДПдан сайланган депутатлар ўз партияси дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига мос ташаббуслар билан чиқиш ҳамда туман Кенгаши сессияси қарорини қабул қилишга эришиш юзасидан бир қадар сусткашликка йўл қўйишмоқда.

Маълумки, ЎзХДП фаолиятида жамоатчилик қабулхоналари алоҳида ўрин тутади. Мазкур қабулхоналарга аҳолининг турли қатламлари кўплаб масала-муаммолар юзасидан мурожаат қилишаётганини партия матбуот нашрларида кўп ўқиганмиз. Бироқ, Қоракўл тумани Кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи бу борада ҳам айтишга арзигулик иш қилаяпти деб бўлмайди. Жумладан, фуқароларнинг жамоатчилик қабулхоналарига қилган мурожаатлари депутатлар томонидан чуқур таҳлил қилинмаган. Мазкур мурожаатлар умумлаштирилиб, туман Кенгаши сессияларига олиб чиқилмаган.

**Қоракўл тумани Кенгашидаги партиянинг депутатлик гуруҳи бу борада ҳам айтишга арзигулик иш қилаяпти деб бўлмайди. Жумладан, фуқароларнинг жамоатчилик қабулхоналарига қилган мурожаатлари депутатлар томонидан чуқур таҳлил қилинмаган. Мазкур мурожаатлар умумлаштирилиб, туман Кенгаши сессияларига олиб чиқилмаган.**

Барчамизга маълумки, депутатнинг ҳуқуқий мақоми қонунларда белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, биз кўпинча депутатни халқ вакили деб аташга одатланиб қолганмиз. Ана шундай олий ишонч ва мақомни оқлаш ҳар бир депутатдан жуда катта масъулият ва ўзига нисбатан талабчанликни талаб лар корпусига таянади. Айниқса, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари зиммасида алоҳида масъулият мавжудлиги бугун барчага аён ҳақиқатдир. Чунки улар бевосита аҳоли ичида яшаб унинг туриш-турмушидан яхши хабардор. Бундан ташқари, қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорларининг ижросини таъминлашда жойлардаги ижро ҳокимияти устидан депутатлик назоратини олиб бориш ҳам уларнинг бурчи ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар қатори ЎзХДП ҳам 2009 йил бўлиб ўтган сайловлар чоғида ўзининг сайловолди дастурини эълон қилди. Мазкур ҳужжатда бир қатор мақсадлар, вазифалар, лойиҳалар эълон қилинган бўлиб, марказда ва жойларда сайловчилар ушбу партия вакилларига ҳам овоз беришди. Хўш, бу ваъдаларнинг ижроси қандай бўлмоқда? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Қоракўл туман Кенгашига ХДПдан сайланган деижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳага қаратилган давлат дастурларини амалга оширишга кўмаклашишни ўзига асосий вазифа сифатида белгилаган. Ҳақиқатдан ҳам ижтимоий соҳа давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар ҳамда давлат дастурлари қабул қилинган. Афсуски, Қоракўл туманида уларнинг ижросини таъминлаш борасида ЎзХДПдан сайланган депутатлар етарли даражада ташаббускорлик кўрсатишаётгани йўқ. Хусусан, бўлиб

**Афсуски, Қоракўл туманида уларнинг ижросини таъминлаш борасида ЎзХДПдан сайланган депутатлар етарли даражада ташаббускорлик кўрсатишаётгани йўқ. Хусусан, бўлиб ўтган сессияларда ХДПдан сайланган депутатлар ўз партияси дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига мос ташаббуслар билан чиқиш ҳамда туман Кенгаши сессияси қарорини қабул қилишга эришиш юзасидан бир қадар сусткашликка йўл қўйилмоқда.**

қилади. Одамларнинг корига яраш, оғирини енгил қилиш, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилиш эса депутатнинг бурчидир. Сайловчилар ишончига сазовор бўлган барча даражадаги депутатлар ана шу ҳақиқатни унутмасликлари лозим.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**ҲАМКОРЛИК**

## Аждодлар мероси

**МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСИ**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сафига ижодкор зиёлилар, маориф, маданият соҳаси ходимлари, уста ва ҳунармандлар ҳамда спортчилардан иборат 125 мингдан ортиқ аъзоларни бирлаштирган. Жамиятимизнинг ижодкор зиёлилар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади.*





Маълумки, партиямиз халқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, тарихий-маданий меросимизни чуқур ўрганиш, "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини амалга оширишга кўмаклашиш борасида Ўзбек Миллий академик театри билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида "Миллий маънавиятимиз ривожи ва баркамол авлод тарбиясида Чўлпон меросининг аҳамияти" мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари иштирок этди.

Тадбирда ўзбек адабиётининг етук намояндаси Чўлпон ҳаёти ва ижоди, хусусан, "Чўлпон" драмаси ҳақида сўз борди.

—Истиқлол йилларида миллий қадрият ва анъаналаримиз қайта тикланиб, аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов. —Хусусан, кўплаб адибларимиз, адабиётшунос олимларнинг асарлари қайта нашр қилиниб, улар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Уларнинг ижодий мероси билан бирга ҳаётий фаолиятлари театр саҳналарида намойиш этилмоқда. Жумладан, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг адабий асарлари мустақилликнинг дастлабки даври, яъни 1991 йили «Яна олдим созимни» номи билан нашр этилди. Шу йили, 25 сентябрда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, 1999 йилда эса "Мустақиллик" ордени билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, ўз даврининг етук зиёлиси Чўлпоннинг ҳаёти ва ижод йўли ёшларни ватанпарварлик ва келажакка юксак ишонч руҳида тарбиялашда алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ўзбек театри саҳнасида "Чўлпон" драмасининг намойиш этилиши халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг мустақиллик ғояларини ўрганиш, шу орқали ўтмиш аждодларимиз билан фахрланиш, ватанга муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Чўлпон" драмасида шоир сиймоси, ижоди ва ҳаёт йўли тўлақонли ҳамда бор мураккабликлари билан очиб берилган. Шу боис халқимиз юрагидан жой олган ушбу драма такрор-такрор намойиш этилади. Бунда, албатта, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасининг ҳам хизматлари беқиёсдир.

— Чўлпон нафақат етук лирик шоир, балки «Новвой қиз», «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола» каби ўнлаб ҳикоя, «Кеча ва кундуз» (1936) каби ажойиб роман яратган истеъдодли адиб ҳамдир, - деди филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов. — У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Адибнинг «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни» кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби драмалари ҳамда машҳур «Ёрқиной» пьесаси кўп йиллардан буён саҳна безаги бўлиб келмоқда.

Тадбирда сўз олганлар буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратдилар. Шунингдек, миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил саҳна асарлари яратиш ва истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ҳамда режиссёрлар, саҳна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш мақсадида ўзига хос ижодий мактаб яратиш каби долзарб вазифалар ҳақида сўз борди.

Тадбир сўнггида Чўлпон ҳаётига бағишланган «Кундузсиз кечалар» спектакли намойиш этилди.

**Хосият ИСРОИЛОВА**

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари

### СОҲАСИГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, улар томонидан интерактив хизматлар кўрсатиш орқали давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган.

Қўмита эшитувига тайёргарлик жараёнида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Бунда вазирлик ҳамда давлат қўмитасининг марказий аппарати, Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм вилояти бўлимлари томонидан юқорида қайд этилган қонунларнинг амалиётдаги ижроси ҳамда тизимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати атрофлича таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳи томонидан Давлат статистика қўмитаси тизимига ахборот технологияларини жорий қилиш борасидаги ишлар кўлами ўрганилганда, бугунги кунда статистика органлари бошқаруви ходимлари 100 фоиз компьютер билан таъминланганлиги маълум бўлди. Эътиборлиси, барча компьютерлар корпоратив тармоққа уланган. Шунингдек, республика ва ҳудудий даражадаги 288 нафар бошқарув ходими электрон рақамли имзо калитлари билан таъминланганлиги аниқланди.

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш ташкил этилган. Хусусан, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни тақдим этиш хўжалик юритувчи субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш имконини бермоқда. Ҳозирда тизим орқали 24 турдаги статистик ҳисобот шаклини топшириш учун шароит мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, статистик ҳисоботларни тақдим этиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнининг тезкорлиги ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини бермоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижроси юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва бошқа тегишли идораларида ахборот тизимлари ва веб-сайтлар яратилган бўлиб, уларнинг узлуксиз ҳамда хавфсиз ишлаши таъминланган. Шунингдек, "Спорт иншоотларини реестри", "Миллий музей фонди ягона каталоги" каби қатор долзарб ахборот ресурслари шакллантирилган.

Вазирлик тизимида спорт тадбирлари календарь режаси мониторингини автоматлаштириш ҳамда мазкур тадбирларни ўтказишнинг таҳлилини таъминлаш мақсадида, «SKM SPORT TADBIR» компьютер дастури амалиётга жорий этилган. Бу мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган ҳамда ўтказилиши режалаштирилган спорт тадбирларининг электрон тақвим режаси ва маълумотлар базасини ўзида жамлаб, уларнинг натижалари, сарфланган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш, таққослаш, таҳлил қилиш ва турли ҳисоботлар тайёрлаш каби ишларни тезкор тарзда амалга ошириш имконини бермоқда.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси фаолиятида электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзо тизимидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун талабларининг ижросини таъминлашда айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги парламент қуйи палатаси депутатлари томонидан қайд этилди. Шу нуқтаи назардан вазирлик ва давлат қўмитаси бошқарув функцияларини автоматлаштириш мақсадида максимал равишда ахборот тизимларини жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, интерактив хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, статистик ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, электрон рақамли имзо технологияларидан кенг фойдаланиш, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни аҳолининг кенг қатламларига етказиш юзасидан таклифлар берилди.

— Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини даврий равишда ошириб бориш, компьютер техникаси ва Интернет тармоғидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш, бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Шу боис Маданият ва спорт ишлари вазирлигига партиямиз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор тавсиялар бердик. Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш учун, юртимизнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини, хусусан, миллий маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз, шунингдек, спорт соҳасини ривожлантириш ва бу борада қўлга киритилаётган салмоқли ютуқларни кенг тарғиб қилиш мақсадларига йўналтирилган ахборот ресурсларини яратишга қаратилган масалалар шулар жумласидан.

Йиғилиш якунида кўрилган масалалар бўйича Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

● ҒУРУР

## Ватан ҳимояси — олий шараф

***Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, ҳамиша севиб-ардоқлаб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Озод ва обод ватанимизни қўриқловчилар борки юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, ғурур ва ифтихоримиз сарбаланд.***

Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳарбий ватанпарварликни шакллантириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда ҳавас қилса арзигулик натижалар қўлга киритилаяпти, турли-туман тадбирлар ўтказилаяпти. "Ватан ҳимояси — олий шараф" мавзуида ўтказилган кечада саҳнага дастлаб "Ватанга қасамёд" мусиқа садолари остида мард ва жасур ўғлонлар — Ватан ҳимоячилари кириб келишди. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этишади. Ўқув даргоҳи қошидаги ашула ва рақс ансамблининг ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги куй ва қўшиқлари янграйди. Бирин-кетин ўқувчиларнинг Ватан, Истиқлол ҳамда миллий армиямиз ҳақидаги шеър ва ҳикматли сўзлари айтилди:

**Тан — кўзга кўринган**
**савлатим менинг,**
**Қоним-чи, — жонимга,**
**руҳимга макон.**
**Мақташга сўз етмас**
**васфингни сенинг,**
**Таним ичиндаги танимсан,**
**Ватан!**

- дейди бир ўқувчи. Яна бири эса:

**Ўзга эмас, шу диёрни**
**Асрамоқлик олий бурч,**
**Тупроқ учун жон тикмоқлик,**
**Йигит орим бўлса, бас.**
**Тупроқ асли шу ватандир,**
**Муқаддасдир, муқаддас.**
**Ватанимни куйламоқлик**
**Ифтихорим бўлса, бас.**

Шундан сўнг ўқувчилар "Посбон" ва "Пешқадам" гуруҳларига бўлингач қуйидаги саволлар тарқатилади: "Кимлар курсант бўлишлари мумкин? Олий ҳарбий таълим муассасаларига қарашли қандай билим юртларини биласиз? Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти қанақа мутахассисларни тайёрлайди? Ҳарбийлар ҳаёти ҳақида қандай фильмларни томоша қилгансиз? Шунга оид асарларни ўқиганмисиз? Коллежда билим юрти курсант ва офицерлари билан учрашувлар бўлиб турадими ва ҳоказо". Жавоблар тайёр бўлгунга қадар магнитофон орқали "Она тупроқ" қўшиғи эшиттирилади. Жавоблар баҳолангач, ғолиб бўлган гуруҳ эълон қилинади. Кейин ўқувчилар ўзлари яшаётган маҳалласидаги ҳарбий хизматчи ва офицерлар ҳақида ҳикоя қилишди.

— Ўтган 2010-2011 ўқув йилида коллежимиз "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларида ўз маҳоратларини ошира бориб, мустаҳкам ҳарбий интизом, қурол-яроғларнинг сақланиши ва қўлланишига доир малакаларини намойиш этиб, республикада учинчи ўринни эгаллаган эдилар, - дейди Бунёд Йўлдошев. — Ҳозирда ҳарбий ватанпарварлик мавзуида бир қанча давра суҳбатлари ўтказилмоқда. "Билимларингизни синаб кўринг", "Ким бўлмоқчисан, ўсмир?", "Машқ қийин бўлса — мусобақа осон кечади" каби мавзуларда баён ва иншолар олинмоқда.

**Талаба Баҳром МЎМИНОВ шундай дейди:**

— Истиқлол йилларида мутлақо янги асосда, сон жиҳатдан ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгишга қодир миллий Қуролли Кучларни ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар тайёргарликка эга миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Тадбир сўнггида жавоблар изоҳланди, шу мавзуга атаб тайёрланган буклет, альбом, ҳарбийларга оид бадиий китоб ва қўлланмалар ташкил этилди. Она заминимизни юксак пардаларда тараннум этувчи куй ва қўшиқлар янгради. Кўнгилларга ўктамлик бағишловчи мусиқага ҳамоҳанг рақслар қанотида озод ва обод Ватан манзаралари тантана қатнашчилари кўз ўнгида намоён бўлиши, шубҳасиз. Бунда касб-ҳунар коллежи чақириққача ёшларни тайёрлаш фанининг олий тоифали ўқитувчиси, катта лейтенант Бахтиёр Миллаевнинг тиниб-тинчимаслиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотининг ёрдами катта бўлди.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

● МММда

## Инсон ҳуқуқлари олий қадрият

**Миллий матбуот марказида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда адлия органларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

Унда ўтган ва жорий йилнинг 1-чораги давомида Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар ва уларнинг ечими борасида йиғилганларга маълумот берилди.

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар жумладан, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ҳамда инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мурожаатларини белгиланган тартибда ўрганиш ҳамда тегишли чоралар кўриш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилганлиги эътироф этилди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида вазирлик томонидан миллий институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фуқаролар билан бевосита учрашувлар ташкил этилаётир. Уларда инсон ҳуқуқлари, шартномавий муносабатлар, тадбиркорликка оид қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда.

Йиғилганларга амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда суд идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар борасида атрофлича маълумот берилди.

Журналистларнинг мавзу юзасидан берилган саволларига соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоб берилди.

**Зилола ПАЗИЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

● КОНФЕРЕНЦИЯ

***Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, уларнинг атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган ишларда фаоллигини ошириш, соҳага оид янгиликлар ва қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар ҳақида хабардор қилиш, экологик таълим-тарбияни юқори босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимиз ва минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари қатор марказий ва маҳаллий ОАВлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.***

## Экологик маданият

### УНИ ЮКСАЛТИРИШДА ОАВ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида «Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ходимлари ва экспертлари, атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари, марказий ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қанчалик пухта бўлмасин, агарда уларни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш устидан назорат ўрнатилмас экан, самарадорликка эришиш қийин кечади. Шу жиҳатдан олганда, соҳада фаолият юритувчи журналистлар кенг жамоатчиликни қонунлар, уларнинг аҳамияти, ижроси каби мавзулардаги материаллар билан таништириш имконига эга. Бу борада материалларни аҳолининг барча қатламларига етиб боришини таъминлайдиган даражада содда ва равон тилда, кенг ва батафсил ёритиш, айниқса, далиллардан ўз ўрнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Конференцияда иштирокчилар эътиборига "Глобал ва минтақавий муаммолар ва уни ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик масалалари", "Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоларининг қонун ижодкорлиги ва назорат таҳлил фаолияти", "Трансчегаравий дарёлар ва ундан фойдаланишда халқаро ҳуқуқ нормалари", "Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти: жамоатчилик назорати", "Оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ва экологик муаммоларни ёритишнинг долзарб вазифалари" каби мавзуларда маърузалар ҳавола этилди.

— Табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, мавжуд табиий ресурсларни асраб-авайлаш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш барчамизнинг бурчимиздир, - деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси Ў.Отақулов. — Бу борада экологик муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида жамоатчиликни доимий хабардор қилиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш талаб этилади. Ўйлайманки, мазкур масалаларни ҳал этишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро фаол ҳамкорлигимиз ижобий самара беради.

Тадбирда эришилган натижалар ва соҳага оид муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, иштирокчилар томонидан берилган таклифлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз**

● АНЖУМАН

***Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Миллий матбуот марказида "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Агентлик томонидан амалга оширилаётган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.***

## Сўз эркинлиги

### УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Республикамизда бугунги кунда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами етти турдаги оммавий ахборот воситалари рўйхатга олинган. Оммавий ахборот воситаларимиз Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг етти тилида ва сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 дан ортиқ ихтисосликларда фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг 1 апрелига кўра рўйхатга олиниб, давлат реестрига киритилган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1254 тани ташкил этади. Улардан 706 таси газета, 255 таси журнал, 16 таси ахборотнома-бюллетень, тўрттаси ахборот агентлиги, 64 таси телевидение, 36 таси радио, 173 таси веб-сайтлардир.

Айни пайтда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари тайёрланмоқда. Уларни тайёрлашда соҳадаги долзарб масалалар, хорижий давлатлар тажрибаси, жамоатчилик ва соҳа мутахассислари фикри ўрганилди. Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш каби долзарб вазифалар белгиланган.

2011 йилнинг сентябрида пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуасида Биринчи "Ўзбекистон матбуоти" Миллий форуми ва кўргазмаси ўтказилди. Ҳозирда навбатдаги форумни ўтказиш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЖАРАЁН

ИҚТИСОДИЁТ

## Хорижий инвестиция

### МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

***Бозор иқтисодиёти шароитида инвестициялар давлат иқтисодиётининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Мамлакатимизда инвестицияларни жалб қилиш ва шарт-шароит яратиш бўйича қулай инвестицион муҳит яратилган.***

Юртбошимиз 2010 йилда давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2011 йилда иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида инвестицияларни жалб қилиш, биринчи галда хорижий инвестицияларни иқтисодиётимизга йўналтириш ишларини янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Бинобарин, тўғридан-тўғри инвестициялар учун қулай шароит яратиш, эркин иқтисодий зоналар барпо этиш мақсадида кейинги пайтда бир қатор Президент Фармони ва Қарорлари қабул қилинди. Бу бежиз эмас. Чунки инвестициялар давлат иқтисодиёти тараққиётига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда 2011 йилда 113 та инвестицион лойиҳа бўйича жами 3,013 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 801.2 млн. долларлик қисмини (42 та лойиҳа) Ҳукумат кафолати остидаги чет ел кредитлари, 2,212 млрд. долларлик қисмини эса (71 та лойиҳа) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади.

Инвестицион дастурга мувофиқ, 2011 йилда тўқимачилик саноатида 11 та лойиҳа бўйича 116,9 млн. доллар ҳажмда тўғридан-тўғри инвестициялар, телекоммуникация соҳасида эса мобил алоқа операторлари томонидан 68 млн. маблағ ўзлаштирилди.

Қурилиш моллари ишлаб чиқариш секторида Германиянинг "Кнауф" компанияси Бухоро вилоятида умумий қиймати 48 млн. долларлик гипсокартон плиталарини ишлаб чиқарувчи завод қурилишини якунлади. «Бекободцемент» заводини модернизация қилиш учун эса 58,7 млн. доллар маблағ йўналтирилди. Ижтимоий соҳага эса 127,4 млн. доллар миқдорида хорижий инвестиция йўналтирилди.

Бундай кенг кўламли ишларнинг бош омилларидан бири — юртимизда инвесторлар учун мустаҳкам ҳуқуқий замин мавжудлиги билан белгиланди. Бу "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги қонунларда ўз аксини топган. Мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ошаётгани туфайли инвестиция иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида хизмат қилмоқда. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсишининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири инвестиция ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлар орасида хорижий инвестицияларни ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, қайси давлатда хорижий инвесторларга қулай имконият устун бўлса, инвесторлар ўз сармоясини энг аввало ўша давлат иқтисодиётига киритмоқда. Содда қилиб айтганда, тадбиркор қаерда фойда олиш имконияти юқорилигини билса, шу мамлакат бозорига интилади.

Мамлакатимизда яратилган инвестицион муҳитни янада ривожлантириш учун инвесторларни иқтисодиётимиздаги инвестицион муҳит билан яқиндан таништириш, қулайлик ва шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни уларга тўлалигича етказиш муҳим аҳамиятга эга.

**Бобур РАВШАНОВ,**
**Тошкент молия институти халқаро бизнес факультети талабаси**



*Наманган вилоятининг Чортоқ тумани Ойқирон қишлоғида яшовчи Марҳаматхон Тўхтабоева 2010 йили «Раҳимжон Умаров» хусусий корхонасини ташкил этиб, атлас, адрас, беқасам каби миллий матолар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 5 кишилик жамоа билан иш бошланган корхонада ҳозир ишчилар сони 25 нафарга етди. Улар замонавий дастгоҳлар ёрдамида ойига уч минг пагон метргача маҳсулот тайёрламоқда. Корхона маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда харидоргир.*

*Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат*

КАСБЛАР ФЕСТИВАЛИ

## "Очиқ эшиклар куни"

### УНДА 9 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ 347 НАФАР БИТИРУВЧИСИ ИШТИРОК ЭТДИ

***Туманимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган Узун қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳовлиси байрамона безатилган. Меҳмонлар, ота-оналар коллежда уларнинг фарзандлари учун яратилган барча шарт-шароитлар, ўқув устахоналаридаги жиҳозлар билан яқиндан танишиш мақсадида касблар фестивалига ташриф буюришган.***

— Бу йил туманимиздаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатаётган 600 нафардан зиёд ўқувчи коллежимизда ўқиш истагини билдиришмоқда, - дейди коллеж директори Саломатхон Гулбоева.

Коллежда ўқувчиларнинг қамровини кенгайтириш мақсадида тумандаги умумтаълим мактабларига етук ва малакали муҳандис-педагогларимизни юбориб, суҳбат, учрашувлар ташкил этдик. Учрашувларда коллежимизда ўтказилган тадбирлар, фидойи ўқитувчиларимизнинг иш тажрибаси ва юқори натижаларга эришган ўқувчиларимизнинг видеотасмага туширилган лавҳалари ҳам намойиш этилмоқда.

Коллеж психологи Х.Дониёрова ХТМФМТТЭ бўлими билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди. Айни пайтда 9-синф битирувчиларини касбга йўналтирувчи турли тест саволлари ёрдамида истеъдодини аниқлаш ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу эса ўқув юртимизга иқтидорли ўқувчиларни жалб этиш имконини беради.

Туман ҳокимлиги кўмагида "Ўзбекистон", "Янги рўзғор", "Меҳнат", "Қарашиқ", "Янги куч" маҳалла фуқаролар йиғинларида ота-оналар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Жорий йилнинг 15 февраль, 20 март кунлари 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирокида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди. Тадбирга таклиф этилган ота-оналар фарзандлари танлаётган мутахассисликлар бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлишди.

— Узун қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Касблар фестивали" ўтказиш одат тусига айланиб қолган, - дейди ХТМФММТЖ бўлим мудири Ибодулло Ходжиев. — Шунинг учун ҳам коллежда ўқиш истагини билдираётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Касблар фестивалида ўз касбининг фидойилари бўлган Н.Ҳакимов, Х.Раҳимов, Р.Маллаев, С.Хушвақтов, К.Мамасолиев, Х.Қурбонов, А.Турсунов, Б.Раҳмонқулов ўқув устахонасида яратилган шарт-шароитлар билан ўқувчиларни таништирди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

— Мен яқинда ўтказилган "Очиқ эшиклар куни"да ҳам коллеж ҳаёти билан яқиндан танишган эдим,- дейди 13-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳадича Қамбарова. — "Касблар фестивали"га келиб келажакдаги режаларимни аниқлаб олдим ва шу коллежда ўқишга қарор қилдим. Коллежнинг ахборот-ресурс маркази, химия, физика, ЭҲМ, инглиз тили, рус тили, лингафон хоналарини кўриб ҳавасим келди. Коллежда ўқишни давом эттириш ҳақидаги қароримни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлашди.

"Касблар фестивали"да тумандаги 9 та умумтаълим мактабининг 347 нафар битирувчи синф ўқувчилари иштирок этди.

"Касблар фестивали" иштирокчилари ва меҳмонлари коллежнинг моддий техника базаси ҳамда ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув услубий ишлар кўргазмаси билан ҳам танишдилар.

**Тоҳир АБДУЛЛАЕВ,**
**коллеж директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари**

ОГОҲЛИК

## Ёнғин хавфсизлиги

### унга барчамиз масъулмиз

Ёнғин келиб чиқишининг асосий сабаблари оловга ва тез ёнувчи воситаларга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлишдир. Ёнғин содир бўлганда уни тез ўчиришда фуқаролар ўзлари билмаган ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимларига халақит бермоқдалар. Яъни айрим одамлар шахсий автоуловларини хоҳлаган жойда қолдириш, ўзбошимчалик билан йўлларни тўсиш, ўтиш жойларига ноқонуний равишда омборхона, ҳужрахона ва гаражлар қуриб олиш ҳолатлари учрамоқда. Булар ўз навбатида ёнғинни ўчириш воситаларини воқеа содир бўлган жойга ўз вақтида ёки зудлик билан етиб келолмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ ходимлари аҳоли, талаба ёшлар, боғча-мактаб ўқувчилари орасида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ёнғиннинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклиги, ўт билан ўйнашишнинг ёмон, оғир ва хавфли оқибатлари, пиротехника воситалари билан ўйнаш натижасида содир бўлаётган турли хил кўнгилсиз ҳаракатлар аниқ далиллар воситасида тушунтирилмоқда. Бундан, энг аввало, ўша шахснинг ўзи, оиласи, ота-онаси, қолаверса, кўни-қўшни, маҳалла азият чекиши, зарар кўриши бот-бот уқтирилмоқда.

Мактаб ўқувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, ёнғинларнинг олдини олиш мавзусида викторина, иншо, баён ва расмлар чизиш каби ўқув воситаларидан унумли фойдаланилмоқда.

**Холмурод ХАНДАМОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани ТИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант**

ИСЛОҲОТ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда Парламент комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Жамоат фонди девони ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

## Жамоат фонди

### ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қўшма қарори асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг ноёб механизми яратилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Асосий мақсад — мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратишдан иборат эди.

Ўтган давр ичида давлат бюджетидан ажратилган маблағларни очиқ-ошкоралик, холислик билан тақсимлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан 18 маротаба давлат гранти танловлари ўтказилди. Мазкур танловларда 1200 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этди.

Бу йил ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини молиялаштириш учун Парламент комиссияси томонидан 2 млрд. 626 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Тасдиқланган режага асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан жорий йилнинг 20 апрелидан 18 майига қадар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун иккита танлов эълон қилинди. Биринчи грант танлови "Ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирок этишга, шу жумладан, ёш оилаларни, ёшларни ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, республикамизнинг узоқ қишлоқ ҳудудларида уларни оилавий бизнес, касаначиликка, хусусий тадбиркорликнинг бошқа турларига кенг жалб қилиш"га қаратилган бўлиб, бу йил мазкур йўналишдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга 1 110 млн. сўм маблағ ажратилди. Шу жумладан, мустақил оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, журналистларнинг касбий кўникмаларини такомиллаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, билими ва онгини ошириш борасида ҳам давлат гранти танловлари эълон қилиниб келинмоқда. Жорий йилда ҳам ушбу мақсадлар учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 486 млн. сўм миқдорида давлат гранти ажратилди. Тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг грант танловлари ўтказиш тартиби билан боғлиқ меъёрий талаб тавсия ва танлов мезонлари бўйича тушунтиришлар берилди.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

НИГОҲ

## Ҳерман Ҳессенинг қалб таълими

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Бу, бир томондан, таржимон немис халқининг тарихи ва бугунги ҳаёт тарзидан яхши хабардор эканини тасдиқласа, иккинчи томондан, у немис адабиёти, хусусан, Ҳ.Ҳессе ижодини чуқур тушунишини англатиб турибди. Энг муҳими, берилган изоҳлар ўқувчининг асарни ўқиши ва уқишини осонлаштирадиган, немис адибининг ижод маҳсули ўзбек китобхонига тушунарли ва мутолаага қулай бўлишини таъминлайдиган ўзига хос калитдир. Шу тариқа мутолаа жараёнида туғилиши мумкин бўлган кўплаб саволларга таржимон томонидан олдиндан жавоблар ҳозирлаб қўйилган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

М.Акбаров таржимон сифатида Ҳ.Ҳессе асарларига бу қадар жиддий ва кетма-кет мурожаат этаётгани бежиз эмас. Зотан, Ҳ.Ҳессе атоқли немис ва швейцар адиби, шоири, адабиётшуноси ва публицисти сифатида бутун дунёга машҳур. У ўзининг кўплаб роман, қисса ва ҳикояларини, шеърларини, сиёсий, адабий-танқидий руҳдаги асарларини немис тилида яратган. Ҳ.Ҳессе — XX аср немис прозасининг интеллектуалликни тараннум этган, асарлари жаҳонда энг кўп мутолаа этиладиган машҳур адиби. Унинг китоблари дунё миқёсида 55 тилда 100 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Ҳ.Ҳессе 1946 йилда Швеция Қироллик академияси томонидан **"Инсонпарварликнинг мумтоз ғояларини ўзида тобора яққол намоён этаётган жўшқин ижоди, шунингдек, ёрқин услуби учун"** Нобель мукофотига муносиб топилган.

Ҳ.Ҳессе ўзининг бутун ижодига мухтасар тарзда "қалб изҳорларим", деб баҳо берган. Ҳақиқатан ҳам Ҳессенинг ҳаёт йўли ва яратган асарлари билан яқиндан танишган китобхон ўтган асрнинг машаққатли бир даврида маънавий юксалиш пиллапояларидан дадил юқорилаган инсоннинг мураккаб ва ҳайратомуз тарихига ошно бўлади.

Ҳ.Ҳессе наинки машҳур ёзувчи, айни чоғда, ҳассос шоир ва рассом ҳам бўлган. Немис тилида учрайдиган "Dichter" сўзи нафақат "шоир" тушунчасини англатади, айни вақтда "ижодкор" деган кенг маънода ҳам қўлланилади. Шундай экан, бу атамани Ҳерман Ҳессега нисбатан ишлатиш айни муддаодир. Аммо, негадир Ҳессе ижодининг ҳақиқий шинавандалари унинг айнан шу шоирлик хислатини кўпинча унутиб қўядилар. Ҳолбуки, Ҳессе ўзининг бутун ҳаёти давомида шеърият билан машғул бўлган. Бу ҳақда у таржимаи ҳолида шундай ёзган эди: "Мен ўн уч ёшимда шуни ўзимга аниқ тасаввур этдимки, ё шоир бўламан, ёки мендан ҳеч ким чиқмайди".

Ҳ.Ҳессенинг 1899 йилда нашр этилган дастлабки китоби — "Романтик қўшиқлар" шеърий тўплам бўлиб, ундаги шеърлар соддалиги, самимийлиги ва оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Шуниси эътиборлики, адиб умрининг сўнгги йилларида чоп эттирган китоби ҳам айнан шеърий тўплам, охирги нафасда битган ижод намунаси эса "Синган буток" номли видолашув шеъри эди. Ҳессе бутун умр шеърлар ёзди. Унинг назмий асарлари прозаси сингари донг таратмаган бўлса ҳам, бу шеърлар шоир билан унинг адабий қаҳрамонлари ички дунёсидаги ўзаро уйғунликни, вобасталикни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Ҳаётда бахт билан бахтсизлик, соғлик ва хасталик, омад ва омадсизлик ҳамиша ёнма-ён туради, дейдилар. Ҳессе ҳам қисматнинг аччиқ синовлари, шунингдек, кучли ижодий изтиробу туғёнлар қуршовида яхши-ёмон кунларни бошдан кечирган. Шунга қарамай, нафақат атоқли адиб, балки доно мутафаккир сифатида ҳам довруқ қозониб, обрў-эътибор топиб, узоқ умр кўриб, ўз тилимизда айтганда, "ёшини яшаб, ошини ошаб", 85 ёшида вафот этган. Умрининг аксарият қисмини она юртидан олисда — ҳижратда ўтказган. Шу боис асарларида Ватан туйғуси, Ватанга муҳаббат ҳисси, ватанпарварлик ғоялари катта ўрин эгаллайди. Атоқли адибнинг ўзи туғилиб-ўсган шаҳарни, болалик дамларини қайноқ сўзлар ва рангин бўёқларда таъсирчан тасвирлаши, ёшликни қўмсаб, ўқувчилик дамларини армон билан хотирлаши ҳам шундан.

**"Нюрнбергга саёҳат"** сафарномасида адиб ўзининг 1924 йил кузида Тессиндан Нюрнбергга қилган 2 ойлик саёҳатини қизиқарли тарзда баён этади. Бу асар, профессор Шавкат Каримов таъбири билан айтганда: **"Руҳ билан тана орасидаги, шахс билан жамият ўртасидаги зиддиятлар ҳақида одатдаги тўқималар воситасида эмас, балки автобиографик қисса шаклида ҳикоя қилишга илк уриниш сифатида таассурот уйғотади"**.

Ҳ.Ҳессенинг бадиий адабиёт тарихи, табиати, ижод сирлари, адабий оқимлар, эстетик тамойиллар моҳиятига бағишланган, бутун дунё афкор оммаси томонидан ўрганиб келинаётган ноёб асарлари таржимасига мамлакатимизда катта эътибор қаратилаётгани диққатга лойиқдир. Бу борада **"Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида"** номли тўплам (Тошкент, "Маънавият", 2010) айниқса муҳим аҳамият касб этди. Инсоният бадиий тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўнлаб таниқли ижодкорлар қатори Ҳ.Ҳессенинг **"Жаҳон адабиёти кутубхонаси"** ва **"Нон" сўзи ҳақида"** номли асарлари машҳур педагог ва таржимон Озод Шарафиддинов томонидан она тилимизга юксак маҳорат билан ўгирилиб, ушбу тўпламга киритилган.

Ҳ.Ҳессе ўзининг юқорида зикр этилган ва янги ўзбекча нашрдан ўрин олган асарларида ёзувчилик, шоирликка ғоят талабчан муносабати билан ажралиб туради. У мумтоз немис адабиётини юксак баҳолайди. Жумладан, **"Мен 1850 йилгача бўлган сўнгги буюк давр немис ёзувчиларини яхши кўраман. Гёте, Ҳёлдерлин, Клайст, романтикларни жон-дилимдан севаман, уларнинг асарлари мен учун умрбоқий"** дейди.

**Акмал САИДОВ,**
**профессор**

**(Давоми бор)**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

## Қулай об-ҳавода катта инвестициялар

**ЖОРИЙ ЙИЛДА ДУНЁ МИҚЁСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙИБ, ДОНЛИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА ЕТАДИ, ДЕЙИШМОҚДА МУТАХАССИСЛАР**






***Озиқ-овқат — инсоният учун энг муҳим манбаа бўлиб, унга эҳтиёж ва талаб доимо мавжуд. Янги асрда техника ва технологияларнинг шиддат билан ривожланиши натижасида маҳсулотлар тури, сифати ҳам ошди. Шунга қарамай, ўтган йиллар давомида сайёрамиз бўйлаб кузатилган глобал молиявий-иқтисодий инқироз маҳсулотларнинг нарх-навосига жиддий таъсир қилди. Маълумотларга кўра, 2010-2011 йилларда табиатнинг кўплаб инжиқликлари туфайли жаҳон миқёсида кундалик эҳтиёжлар нархи ошгани кузатилган. Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилда об-ҳавонинг нормаллашиши турли озиқ-овқат, донли экинларнинг кўпайишига муҳим омилдир. Бу, ўз навбатида нарх-навонинг мўътадиллашишига туртки бўлади.***

Молиявий инқироз жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий таъсир қилиб, юқори калорияли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни камайтирди. Маълумотларга кўра, 2008-2009 йиллар давомида жаҳон бозорида буғдой нархи 55-60 фоизга тушган. Шундоқ ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа тармоқларга нисбатан кредитлаштиришга кўпроқ муҳтожлиги маҳсулотларнинг сифат ва самарадорлигига таъсир қилиб келаётганди. Кризиснинг фаоллашуви бундай имкониятни сезиларли даражада пасайтириб юборди. 2008-2009 йилларда кўпгина давлатларда қулай об-ҳаво натижасида ғалла ва бошқа маҳсулотлар ғамлаб қўйилганди, бироқ бугунга келиб талабнинг камайиши нарх-навонинг пасайишига олиб келмоқда.

Бу борада биргина Африка қитъасини эслаш кифоя. Минтақа катталиги жиҳатдан Осиёдан кейин иккинчи ўринда турсада, аммо жаҳон савдо сотиғининг атиги 2 фоизи Африкага тўғри келмоқда. Қитъада энг аввало, тинчлик ва барқарорликнинг ўрнатилмагани, кўплаб давлатларда доимий маҳаллий ҳарбий тўқнашувларнинг кузатилаётгани, қароқчиликнинг авж олгани, фуқаролик урушларининг юз бериши, ташқи қарздорликнинг оғир юки африкаликлар ҳаётини аянчли аҳволга солиб қўймоқда. Бу ерда бир неча йилдан буён озиқ-овқат жиддий муаммога айлангани боис, аксарият давлатлар озиқ-овқатни четдан сотиб олишга мажбур бўлмоқда. Гаити, Сомали, Кения ва бошқа давлатларда ички низолар, талон-тарожликнинг тобора кўпайиши нон нархининг бир неча баробар қимматлашишига олиб келди.

Жаҳонда молиявий инқироз шамоли эсиб турган бир пайтда айрим мамлакатлар савдонинг эски усулини қўллашмоқда. Яъни, улар товарни товар ўрнига алмашиш йўлига ўтишган. Хусусан, кўпгина ўрта ривожланган ва ривожланаётган давлатлар гуруч, ёғ ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш учун кредит ололмаяпти ва бартер келишувларига рози бўлишмоқда. Маълумотларга қараганда, биринчи марта бартер алмашинуви Малайзия вазири Питер Чин томонидан расман тан олинган. Ўтган йил Куала-Лумпур пальма ёғини ўғит ва техникага алмашиш борасида Россия, Куба ва КХДР билан шундай шартномалар тузган. Шу билан бирга Марокаш, Иордания, Сурия, Эрон билан ҳам музокаралар олиб борилмоқда. Хабарларга кўра, дунёда шолини экспорт қиладиган дунёдаги энг йирик давлат Вьетнам, Бразилия ҳукумат вакиллари ҳам шундай музокаралар олиб бормоқда.

2007 йилда ноқулай об-ҳаво туфайли ҳосилдорликнинг пасайиши ва юқори калорияли озиқ-овқатларга бўлган талабнинг ошгани ва ривожланган давлатларда оммавий равишда кредитларнинг берилиши истеъмол даражасининг ортишига олиб келди. Дон етиштириладиган асосий давлатларда қурғоқчиликлар ҳукм сурди. Масалан, донни четга экспорт қилувчи Канадада камдан-кам кузатиладиган жазирама оқибатида экспорт салоҳияти камайиб кетган. Бу эса Ҳиндистон, Хитой ва Европанинг қатор мамлакатларида турли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келганди.

2008 эса деҳқону, фермерлар учун баракали йил бўлди — нисбатан қулай келган об-ҳавода истеъмол ўсимликлари экиладиган майдонлар кенгайиб, донли экинлар ҳосилдорлиги рекорд даражага етди. Таҳлилчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2010 йилда дон қиймати ЕИда қарийб 165, АҚШда 154 фоизга ўсган. Дунё экспертлари вазият шу тарзда давом этса, шундоқ ҳам дон-дун захиралари жуда паст даражада бўлган Она сайёрада кейинги 10 йил давомида инсоннинг асосий емаги — доннинг нархи кўтарилиши мумкинлигини башорат қилишганди. Аммо ваҳимали тахминлар ўзини оқламади. Бунга қайсидир маънода дунё иқтисодиётида рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз «ёрдам» бериб юборди.

Олимларнинг фикрича, бу йилги қишнинг қаҳратони, баҳорнинг серёғин келиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўпайишига муҳим омил бўлади. Ҳозирнинг ўзида Бразилия ва Аргентина ҳукумати лалми ерларда етиштирилаётган донли экинлар, маккажўхори ва бошқа маҳсулотлардан умиди катта. Ўтган йиллар давомида ҳаво ҳароратининг кўтарилиб кетиши натижасида АҚШ ҳамда ЕИда кузги экин майдонлари қисқартирилганди. Эндиликда мазкур секторга эътибор кучаймоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, 2015 йилгача қишлоқ хўжалик секторидаги йиллик инвестициялар ҳажмини қарийб 130 миллиард долларгача ошириш кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги бозорини белгилаб берувчи муҳим омил — бу ривожланган мамлакатларда ушбу секторнинг молиявий қўллаб-қувватланишидир. Бу борада мутахассисларни бошқа масала кўпроқ ўйлантирмоқда. Бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси нисбатан пастлигича қолмоқда. Шу жиҳатдан АҚШ ва ЕИ молиявий инқироз кучайиб, бюджетдаги дефицит ўсаётган бир пайтда бундай режа фақат қоғозда қолиб кетмасмикан? Инқироз чуқурлашган бир пайтда қишлоқ хўжалигига катта маблағ сарфлаш қанчалик ўзини оқлайди? ЕИ худди шу масалани ўтган йиллар давомида бир неча марта муҳокама этганди, аммо томонлар муқим бир қарорга келишолгани йўқ. Агар маблағ билан таъминлаш бирданига рад этиладиган бўлса, бу ўз-ўзидан бутун дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ўзгаришига олиб келади.

Бу омиллар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши заифлашаётган чоғда маҳсулотлар баҳосининг бирдан кўтарилиб кетиши ва оқибатда янада чуқур кризисга — озиқ-овқат дефицитига олиб келиши мумкин. Бунда кўпгина давлатлар қатори Россия ва Хитой ўзининг қишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш чораларини кўради. МДҲ доирасида истеъмол хавфсизлигини ошириш борасида зарур комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, минтақада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига бўлган талаб ортган. Шунга мос равишда рақобатбардош, энг муҳими, сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бораётир.

Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг нечоғли самарадорлиги, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини аниқ қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда мамлакат иқтисодиёти реал секторида жаҳон молиявий-иқтисодий кризисининг салбий оқибатлари бартараф этилиши мумкин бўлган ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилган. Шулардан бири озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қўшимча чоралар саналади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш жадал ривожланди. Ташкил этилган янги мулк шаклидаги корхоналар, фирмалар, қўшма корхоналар томонидан хилма-хил ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари — қандолат, қайта ишланган гўшт, сут, макарон каби озиқ-овқат маҳсулотлари экологик тозалиги, нархининг ҳаммабоплиги билан ажралиб туради. Халқимиз дастурхонининг тўкинлигини таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини янада тўлароқ қондиришга қаратилган бундай маҳсулотлар савдосини такомиллаштириш борасида ярмаркалар ташкил этилмоқда.

Экспертларнинг сўзларига қараганда, кундалик зарур маҳсулотлар нархининг бир «осмонга сапчиб», баъзида пастга шўнғиши талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилаётгани, дейлик, баъзан талаб юқори бўлса, таклифнинг чегаралангани сабаб бўлмоқда. Аслида иқтисодиёт азалдан шундай: дунё миқёсида ҳам эҳтиёжнинг, ҳам нарх-навонинг мисли кўрилмаган даражада ҳаволанишига йўл қўймайди.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish"**
**шарҳловчиси**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ёмғир ва кучли шамол

**Англия ва Уэльсда тинмай ёққан ёмғир ва кучли шамол оқибатида минглаб турар жой бинолари электр таъминотисиз қолган.**



Маълумотларга қараганда, Кардифф ва Суонси шаҳарларидаги электр таъминоти тизимлари дарахтларнинг ағдарилиши оқибатида ишдан чиққан. Синоптикларнинг айтишича, аҳвол шундай давом этаверса, мамлакатнинг бир юз элликдан зиёд вилоятида сув тошқини юзага келиши мумкин. Северн дарёси бўйида жойлашган Шропшир, Херефордшир ва Глостершир графликларида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

## Нанотехнология ривожи

**АҚШнинг «Apple» компанияси смартфон телефонлари савдоси бўйича рекорд кўрсаткич ўрнатган.**



Жорий йилнинг январь-март ойларида мазкур компания 35 миллион дона мобиль телефон ва 11,8 миллион дона iPad планшетларини сотган. Компания вакилларининг айтишича, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Бундай харидоргир замонавий технологиялар «Apple»га 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирди.

## Электрон терминал

**Австралияда автомобиль тарихи ҳақида маълумот берувчи янги электрон терминал ихтиро қилинган.**

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай терминал автомобиль ишқибозларига харид қилинаётган машина ҳақида барча маълумотларни олиш имконини беради. У, ҳатто автоулов неча марта таъмирлангани ҳақида ҳам етарлича маълумот бериш имкониятига эга. Хабарларга қараганда, мазкур электрон терминалларни мамлакатнинг барча шаҳарларида ўрнатиш режалаштирилган.

## Пиёдаларга мумкин эмас

**Буюк Британияда пиёдалар учун янги қонун ишлаб чиқилган.**



Эндиликда йўлни кесиб ўтувчи пиёдалар мобиль телефон ва мусиқий плеерлардан фойдаланиши қатъиян ман этилади. Тартиббузарлар маъмурий жавобгарликка тортилади. Кузатувчиларнинг фикрича, мамлакатда қайд этилаётган автоҳалокатларнинг аксарияти пиёдаларнинг эътиборсизлиги оқибатида содир бўлмоқда. Тадқиқотлар "сотка"да гаплашаётган ёки плеерда мусиқа тинглаётган пиёда ён-атрофдаги товушларни эшитмай, хатти-ҳаракатларга бефарқ бўлишини кўрсатган.

*Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди*

РАНГИН ДУНЁ

# Япония

***Шарқий Осиё ва Тинч океани оролларида жойлашган Япония 6852 та ороддан таркиб топган бўлиб, шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга қадар қарийб 3,5 минг километргача чўзилган. Энг йирик ороллари: Хоккайдо, Хонсю, Секоку ва Кюсю.***



***Пойтахти — Токио шаҳри. Майдони — 377,8 минг км². Аҳолиси — 127,8 млн.дан зиёд.***

**ТАБИАТИ ВА ИҚЛИМИ**

Япония мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларда жойлашган. Қирғоқ чизиғининг умумий узунлиги 30 минг км.га яқин. Япония ҳудудининг 3/4 қисми қир ва тоғлардан иборат; пасттекисликлар соҳил бўйлаб айри-айри ҳолда жойлашган. Оролда бир қанча вулқон, жумладан, Япониядаги энг баланд вулқон — Фудзияма (бал. 3776 м.) тоғида жойлашган. Мамлакат ҳудудида 150 вулқондан 40 тага яқини ҳанузгача сўнмаган.

Япониянинг дарёлари қисқа, серсув ва тез оқади. 24 та энг катта дарёдан фақат 6 тасининг узунлиги 200 км.дан ошади. Жумладан, Синано дарёсининг узунлиги 367 км. Япония ҳудудининг 67 % ўрмон ва бутазорлардан иборат. Ўрмонларининг 41,4% экиб ўстирилган. Жами 700 турдан кўп дарахт ва бута ҳамда 5599 турдаги ўт-гиёҳлар ўсади. Эндемик ўсимлик турлари ҳам кўп. Ўрмонлар, асосан, игна баргли ва кенг баргли дарахтлардан иборат. Японияда сут эмизувчи ҳайвонларнинг 132 тури, қушларнинг 500 га яқин тури мавжуд. Япония қирғоқларига туташ денгиз сувларида балиқларнинг 3000, моллюскаларнинг 1200 дан ортиқ хили яшайди.

Муссон шамоллари, шимолда мўътадил, жанубда субтропик, Рюкю оролларида асосан тропик иқлим ҳукм сурадиган Японияда йилига 30 мартагача тайфун бўлади. Бу вақтда кучли шамол эсиб, жала қуяди, ўртача йиллик ёғин 1800 мм.гача етади. Хоккайдо оролининг шарқида йиллик ёғин 800-1200 мм., Секоку ва Кюсю оролларида 3000 мм., баъзи жойларда 4000 мм.гача етиши кузатилади. Материкдан эсган қишки муссон Япония ҳудудига совуқ ҳаво олиб келади ва кўп ёғин келтиради.

**КИОТО**

Киото шаҳрига 792-794 йилларда асос солинган бўлиб, 1868 йилгача (1074 йил давомида) мамлакат пойтахти ва император қароргоҳи ҳисобланган. Бугунги кунда Киотони Япониянинг маънавият маркази десак мубolaға бўлмайди. Япон маданиятининг ўзига хос тимсоли бўлмиш ушбу шаҳар тарихий тароватини бугун ҳам йўқотмаган. Шунинг учун бўлса керак японлар бу масканга «замонга бош эгмаган гўзаллик» дея таъриф беришади. Шаҳар бир неча марта ўзаро уруш ва ёнғинлар қурбони бўлган. Киотодаги 2000 та ибодатхонадан 17 таси ЮНЕСКО ҳимоясига олинган. Япониянинг миллий меъморчилик жавоҳирлари деб тан олинган обидаларнинг бешдан бири айнан Киотода жойлашган.

**ИОКОГАМА**

Токиога яқин ушбу порт-шаҳар замонавий Япония беланчаги ҳисобланади. 1859 йили дунё сайёҳлари учун илк бор очилган япон шаҳридир. Ана шу даврдан эътиборан шаҳар аҳолиси аста-секин савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлади. Аста-секин шаҳар мамлакатнинг экспорт-импорт марказига айланди. 1864 йилда япон тилидаги илк газета "Каигаи Симбун" айнан Иокогамада дунё юзини кўрди. Иокогама халқи мамлакатда биринчи бўлиб электр билан ёритиш, телефон алоқаси, замонавий сув таъминоти каби цивилизация унсурларини синаб кўришди. Илк фотостудиялар, сартарошхоналар ҳам айнан Иокогамада қурилди. Бугунги кунда ҳам Иокогама мамлакат аҳамиятига молик шаҳарлардан бири ҳисобланади.

**ТОКИО**

Япониянинг юраги бўлмиш бу шаҳарда 12 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар номи япон тилидан таржима қилинганда «қуёш пойтахти» деган маънони англатади. Замонавий осмонўпар биноларга тўлиб-тошган, машиналар шовқини қулоқни қоматга келтирадиган Токиода диққатга сазовор жойлар ҳам бор. Сершовқин мегаполиснинг ёнгинасида тинч ва осуда маконларнинг борлиги чўл ўртасида барпо бўлган оазисни эслатади. Пойтахт марказидаги император саройининг улкан яшил ҳудуди, ёзги қароргоҳ боғи ёки Мейдзи эҳроми ёнидаги ирислар боғи, бетон ва ойнадан барпо бўлган осмонўпар бинолар ҳудудидаги Синдсюку боғи японларнинг табиатга нақадар ошно эканидан далолат беради. Токиодаги сафари-боғи саргузашт ишқибозларининг севимли маскани ҳисобланади. Бу ерда жуда катта майдонда эркин юрган ҳайвонларни шахсий ёки махсус машинадан туриб кузатса бўлади. Ҳайвонот оламига саёҳатдан кейин айнан шу ерда яшаётган қушлардан тайёрланган барра таомдан тановул қилиш мумкин. Денгизни севувчилар эса соҳил бўйидаги улкан океанарийларга кириб, сувости олами вакиллари билан яқиндан танишишлари, дельфинлар рақсини кузатиб, улар билан суратга тушишлари мумкин. Пойтахтдан 90 км. жанубда эса машҳур Фудзияма вулқони жойлашган. Ушбу ёнар тоғ, уйғоқ вулқонлар ичида дунё бўйича энг чиройлиси ҳисобланади. Тоғни зиёрат қилиш япон халқининг анъанасига айланиб қолган. Уларда умрида бир марта бўлса-да Фудзи тоғига чиқиш керак, деган ақида мавжуд.

**КИМОНО**

Шарқ халқлари доимо ўзининг миллий кийимлари билан ажралиб турган. Айниқса, япон кимонолари. Гарчанд, ҳозир Японияда европача кийиниш урф бўлсада, миллий кийим — кимоно турли байрам ва маросимларда кийиб турилади. Тугма ишлатилмайдиган кенг ва узун енгли (аёлларда енг ҳатто тиззадан пастроққа тушиши мумкин) кийим белбоғ билан кийилади. Бугунги кунда япон эркаклари ва аёллар орасида урфга кираётган кимоно билан бирга анъанавий ёғочдан ишланган пойафзал ҳам кийилади. Бундай пойафзал текис юришни таъминлайди.

**ИКЕБАНА**

Япония ҳақида гап кетар экан, икебана санъатига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Икебана — «тирик гуллар» деган маънони англатиб, гуллардан букет ясаш санъати демакдир. Ушбу санъат тури дунёнинг ҳеч ерида учрамаслиги билан диққатга сазовордир. Япон фалсафасига кўра икебана уч унсур — осмон, инсон ва ернинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда мутаносиблигини ўзида акс эттиради. Икебана ясашда ўзига хос тартиб-қоидалар мавжуд. Бундай санъатни эгаллаш учун японияликлар махсус курслар ҳамда мактабларни тугатишларига тўғри келади. Ҳатто турмушга чиқаётган қиз икебана ясашни билиши керак, деган қоида мавжуд. Икебана яқин инсонларга бирон-бир байрам баҳона ёки шунчаки ҳадя қилинади.

**Зафар МУҲАММАД**

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### Ягонасан, муқаддас Ватан!

**Самарқанд тумани Гулобод агросаноат касб-ҳунар коллежида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.**

Танловда қатнашган йигирма нафар ёш истеъдодни баҳолашда саҳна ва ижро маданияти, бадиий маҳорати ва савияси, миллий санъатимиз намуналаридан бохабарлиги эътиборга олинди. Танлов якунига кўра, биринчи ўрин Баҳодир Рўзиқуловнинг "Самарқанд" қўшиғи учун берилди. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

### Консерваторияда концерт

**Ўзбекистон давлат консерваториясида бир йўла иккита концерт бўлиб ўтди.**

Консерваториянинг Орган залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Назаров ва унинг шогирдлари концерт беришди. "Мустаҳкам оила йили"га бағишланган концерт дастури давомида ўзбек ва жаҳон композиторларининг энг сара асарлари янгради. Шу куннинг ўзида консерваториянинг кичик залида республика ва халқаро мусиқа танлови ғолиблари Шопен, Шуман, Лист, Прокофьев, Рахманинов каби жаҳон композиторлари асарларидан тузилган дастурни йиғилганлар эътиборига ҳавола этишди.

### Маданий тадбир

**Чуст туманида ўтказилган семинар "Номоддий маданий мерос объектлари" мавзусига бағишланди.**

Семинар чоғида номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, миллий ва ҳудудий рўйхатларга тавсия этиладиган объектлар ҳақида сўз борди. Тадбир сўнггида туман маданият ва спорт ишлари жамоаси томонидан катта ашула, фольклор, аския, ўлан ва лапар ижрочилари иштирокида концерт берилди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

# КЎЗГУ

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ

# Сўзлагувчи ёғочлар

***Азалдан рассом ва ҳайкалтарошлар ўртасида баҳс юради: рассомлар ўз ижодларини мураккаб санъат асари деб ҳисоблашади. Ҳайкалтарошлар эса рассомлар ижодини фақат бир тарафдан томоша қилиш мумкин, биз яратган асарларни истаган нуқтадан кўрса бўлади, дейишади. Қаҳрамонимиз эса бу баҳсларга унчалик эътибор қаратмайди. Унинг фикрича, бу икки ижод намунасини бир-бирига қиёслаб бўлмайди. Қайси йўналишда ижод қилишдан қатъи назар ҳар бир ижодкор гўзаллик яратишга ҳаракат қилади. Асосийси, бу гўзаллик томошабинга хуш кайфият бағишласин.***









Хоразм воҳасида таваллуд топган Жасвант Анназаров Урганчдаги тасвирий санъат лицейида ўқиди. Ўша лицейда таҳсил олишига асли отаси сабабчи бўлганди. Мактабдан уйга ошиқадиган йигитча столи устида расм чизиш учун олдиндан тайёрланган янги буюмлар бўлишини яхши биларди. Отаси рассом бўлгани сабаб ҳар куни эринмай унга сабоқ берарди. Ўша вақтлардаёқ Жасвант ҳайкалтарошлик касбига меҳр қўйди. Албатта, ота-онаси уни қўллаб-қувватлади. 6-синфда ўқиётганда танлов ўтказилди. Жасвант илк ишини ўшанда яратганди. Ёғочдан ишланган "Байрам" асари унинг ҳайкалтарош сифатидаги кейинги келажагини белгилаганди гўё. Бир томонда раққоса, иккинчи томонда хумо қушининг рақсга тушаётган кўриниши унга омад олиб келди. Бунда отаси Баҳром Анназаровнинг устозлик қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2004 йил "Ёшлар кўрик-танлови"да ёғочдан ишланган "Тонг", "Чол", "Гулзорда" ва "Ғижжакчи" асарлари билан қатнашган Жасвант биринчи ўринни олиб университетга имтиёзли кириш имкониятига эга бўлди.

—Ўшанда мукофотни Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиевнинг қўлидан олганим мен учун катта бахт ва воқеа бўлганди, - деб хотирлайди у. — Равшан ака институтга кирсанг менга, албатта, шогирд тушасан, дедилар. Кўрик-танлов сабаб бўлиб Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ўқишга кирдим. Равшан акага шогирд тушиб, улардан сабоқ ола бошладим. Билмаганларимни ўргандим. Устозим нафақат ҳайкалтарошликдан, балки ҳаётдан ҳам сабоқ бердилар. Улар касбга ва оилага садоқатли бўлиш кераклиги ҳақида жуда кўп гапирганлар. "Шундагина Ватанга садоқатли бўласан. Фақат садоқатгина энг оғир дамларда сенга ҳамдард, қийинчиликларни енгишингда куч бўлади", деб уқтирганлар.

Ижод — чегарасиз, охири йўқ уммонга ўхшайди. Ҳайкалтарошлик ҳам, аввало, билим, сабр, матонат ва ҳамиша изланишни талаб қиладиган касб. Балки шунинг учундир ҳайкалтарошлик асарлари жуда кўп вақт талаб этади. Ижодкор бир асар устида ойлаб, йиллаб ишлайди. Илло, қаҳрамонимиз ҳам шундай. Лекин уни конкурсларда янги асарлари билан бот-бот иштирок этаётганини кўриш мумкин.

2001 йил Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" кўрик-танлови учун Жасвант Анназаров ёғочдан "Она табиат" номли асар ижод қилади. Унда аёл қиёфаси табиат инъоми бўлмиш мевалар билан уйғунлашиб кетади. 2003 йил Швейцария элчихонаси билан ҳамкорликда ўтказилган республика кўрик-танловида ижодкор ёғочдан ишланган "Қўриқчи" номли асари билан қатнашди. Мустақиллик байрами, "Келажак овози" ва "Наврўз" байрами муносабати билан ўтказилган кўрик-танловларда қатнашган Жасвантнинг ишлари ўзига хослиги билан ажралиб турди. Тинимсиз меҳнат ва изланиш уни уста даражасигача кўтарди. Вақтини деярли устахонада ўтказадиган ҳайкалтарош ижод онларини "ҳаёт лаззати" деб атайди. Укаси Жавлон ҳам акаси изидан бориб, ёғоч ўймакорлигига меҳр қўйди. Синглиси Умида ҳозир Республика Рассомлик коллежида таълим олмоқда.

—Энг яхши дамларим—оилам даврасида бўлган пайтим, - дейди у. —Сабаби, оиламизда барча ижодкор. Бизда шундай анъана шаклланган. Қайси соҳада фаолият юритишингдан қатъи назар ижод қиляпсанми, демак, сен янгилик яратишинг керак. Режаларимиз билан оила даврасида ўртоқлашамиз. Отам устозим бўлсалар-да, лекин мен учун онам кўпроқ куюнадилар. Яхши асарлар ижод қилишга ундайдиган ҳам онам. Отам эса доим вақтнинг қадрига етишни, ўқиш ва изланиш лозимлигини уқтирадилар.

Ҳақиқатан, у вақтини бекор ўтказмади. 2006 йили "Навқирон Ўзбекистон" кўрик-танловида дебют номинацияси совриндори бўлган Жасвант, 2007 йил Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон рассомлари кўргазмасида қатнашди.

Жасвант Анназаров олий ўқув юртининг бакалавр йўналишини тугаллагач, билимларини мустаҳкамлаш ниятида магистратурага ўқишга киради. 2009 йили ҳайкалтарошлик бўйича МДҲ давлатлари талабалари ўртасида бўлиб ўтган халқаро симпозиумда юртимиз обрўйини кўтарди — бир ой давомида "Фаришта", "Қўғирчоқбоз" (бронзадан), "Янги авлод", "Ов" каби асарлар ижод қилиб, ўзбек усталари нималарга қодир эканлигини намойиш қилди. Москвада ўтказилган симпозиумда талабалар билан фикр алмашиш чоғида уларга юртимизда қурилган бинолар, давлатимиз томонидан санъатга катта эътибор қаратилиши, танловлар, кўргазмалар, ижодий кечаларда ёшлар бемалол қатнашишлари мумкинлиги хусусидаги гаплари бошқа мамлакат ёшларини ҳайратга солгани кечагидек ёдида. Олий Диплом билан мукофотланган устанинг ишлари "Бурганов — марказ" номли халқаро санъат академияси томонидан чоп этилган каталогга киритилди. "Ижодимиз ҳақида гапирсак" номли каталогда ҳам унинг асарларидан намуналар бор.

Жасвантнинг асарлари рангбаранглиги билан ажралиб туради. Унинг ижодида ёғочдан ишланган асарлар кўпроқ учрайди. Ўйланган нарса аввал қоғозда акс этади, сўнг пластилиндан кичик ҳажмда ясалади, чиройли шаклга киргач, ёғочга кўчирилади. Ишлар ёғоч, тош, бронза, мис каби материаллардан тайёрланади. Жасвантга эса кўпроқ ёғоч билан ишлаш ёқади. Унинг фикрича, юртимиздаги ёғочлар жуда ҳам ноёб. Шу боис унда ўйланган нарса борки, кўнгилдагидек чиқади. Ёғоч ижодкорга бўйсунади.

У камалакнинг етти рангини жуда ҳам севади. Камтарлигиданми, гарчи талай асарлар яратган бўлса-да, лекин шахсий кўргазмасини ташкил этишга ошиқмаяпти.

— Шахсий кўргазмам албатта бўлади, - дейди у. — Бунинг учун яна изланишим, янги асарлар яратишим керак. Ниятим — XXI аср ҳайкалтарошлари каталоги яратилса, Ўзбекистон ҳайкалтарошлари ҳам ана шу китобга киритилса.

Яқинда якунланган, "Тасвирий санъат +5" ижодий ҳафталигида "Янги оила", "Байрам", "Шайлик", "Хоразмлик" номли янги асарлари билан қатнашган уста ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича олтин медал билан тақдирланди.

**Адиба ФАЙЗ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# "Асрлар садоси"

### ҚАДИМИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ ВА САНЪАТИМИЗ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

***Бешинчи маротаба ўтказилаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивалига бу гал Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри мезбонлик қилишидан хабарингиз бор. Мазкур анжуман ташкилотчиларининг маълум қилишича, Фестивалнинг қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун барча шароитлар тахт қилиб қўйилган.***

Бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп хорижлик меҳмонлар келиши кутилмоқда. Фестиваль доирасида иштирокчилар юртимиз тарихига оид маълумотлар, анъана ва урф-одатлар, уста-ҳунармандларнинг асарлари, олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг натижалари билан танишишлари мумкин. Қорақалпоқ заминининг кўҳна ва диққатга сазовор тарихий масканларига саёҳат қилиш имкони ҳам яратилади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида маълумотлар берилди.

Асрий анъаналарга замонавий нигоҳ, миллий колоритнинг турфа ранглари бугун нафақат хорижлик, балки юртдошларимизни ҳам ўзига маҳлиё этиши шубҳасиз. Ўтган тўрт йил давомида "Асрлар садоси" намойишида 95 минг нафардан зиёд меҳмон иштирок этиб, унинг садоларидан баҳраманд бўлди. Юртимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос ва бетакрор. Бундай катта анжуманларни турли масканларда ўтказилишига сабаб, асрий анъана ва урф-одатларимиз, маънавий меросимизни тахи бузилмай сақланиб келинаётгани ва яшовчанлигини кенг миқёсда намойиш этишдир. Бугун ана шундай масканлардан бири — Қорақалпоғистон танланди.

**Динара ДЎЛТАЕВА,**
**Фонд Форум матбуот хизмати бошлиғи:**

— Фестивалнинг илмий таркиби ҳам ранг-баранг ва қизиқарли. Унга кўра Тупроққалъа ёдгорлигида Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар Академиясининг археолог-олимларидан маҳорат дарслари ташкил этилади. Шунингдек, Нукусда миллий мусиқа асбоблари устахонаси музейи очилиб, соҳа бўйича амалий семинарлар ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Жорий йилдан бошлаб ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи "Келажак-тур" расмий оператори иш бошлади. Фестиваль ҳақидаги барча маълумотларни расмий сайтимиз **www.asrlarsadosi.com**дан олиш мумкин. Мухтасар айтганда, тайёргарлик авжида.

**Муножат ЙЎЛЧИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

— Миллий созлар музейининг очилиши, бу гал "Асрлар садоси"да янгилик дейиш мумкин. Ана шундай йўл билан ўзимизнинг миллий санъатимизни кенг миқёсда тарғиб қилаяпмиз. Мақом, катта ашулаларни ижро қилаётган пайтимизда тингловчиларнинг созларимизга ҳайрат билан қарашига кўп бор гувоҳ бўлганман. Дутор, танбур, доира, ғижжак, най, чанг каби созларимизни кўриб ва чалиб, янгилик топишмоқда. Бу музей ана шундай қизиқувчилар, қолаверса, ёшларимиз учун ҳам жуда зарур деб ўйлайман.

Ўтмиш ва келажакнинг бир қўрғонда учрашуви иштирокчиларда ўзгача ҳайрат уйғотиши шубҳасиз. Фестиваль дастурига мувофиқ, икки кун мобайнида анъанага кўра, энг яхши фольклор жамоаларининг танловлари, миллий либослар фестивали, амалий санъат кўргазма-ярмаркаси, анъанавий халқ ўйинлари, миллий кураш ва ошпазлар беллашувлари бўлиб ўтади. Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги санъат музейида "Орол бўйи: ҳудуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилади. Шунингдек, халқ сайллари, санъат ярмаркалари ва гала-концерт иштирокчилар диққат марказида бўлади.

Тупроққалъадаги икки кун таассурот ва ҳаяжонга бой, унутилмас ва эсда қоларли бўлиши кутилмоқда. "Асрлар садоси"га қулоқ тутинг. Бу садо сизу бизга Ўзбекистоннинг қадимий анъаналари, ноёб маънавий мероси ва санъати билан юзма-юз бўлиш имконини беради. Ана шундай имкониятдан фойдаланиб қолинг. Тупроққалъа иштирокчиларни кутмоқда.

**Фазода ИСРОИЛОВА**

## ЎГИТ

**Хурсанд одамга бутун олам қувноқ кўринади.**

* * *

**Ўзини ақлли кўрсатишга уринган аҳмоқдан хатарлироқ кимса йўқ.**

## РИВОЯТ

# Устоз маслаҳати

Қадим замонда мадрасани муваффақиятли тугатган истеъдодли бир йигитни ҳукумат девонига ишга таклиф қилишибди. Йигит девонда иш бошлашидан аввал устозига маслаҳат солибди.

— Устоз, мен бир тажрибасиз ва катта davраларни кўрмаган ўспиринман. Масъулиятли ишда чалғиб қолмаслигим учун аввало нималарга эътибор қилишимни маслаҳат берасиз?

— Болам,- дебди мадраса мудардриси, энг аввало, одамларга очиқ юз ва самимият билан муомала қилгин. Ҳар бир даврада ўз ўрнингни билиб ўтир. Девонбеги топшириқларини бекаму кўст бажаришга одатлан. Бошқаларни хулқи ва ишига ҳеч қачон баҳо берма. Ўзингга топширилмаган ишни бажаришга уринма. Мудом ўз билим ва маҳоратингни ошириб бор. Ғийбат ва фисқу фасодлардан йироқ бўл. Камтарлик ва сахийликни ўзингга одат қил. Энг муҳими, ўз манфаатинг ҳақида камроқ, умумманфаат ҳақида кўпроқ қайғургин.

## БИЛАСИЗМИ?

Тайпан илони атиги бир мартагина чаққанда 200 мингта сичқонни бежон қилишга етадиган заҳар сочади.

* * *

Эму туяқуши Австралияда яшовчи энг йирик қушдир. Унинг бўйи 2 метрга етади. Уча олмайди, лекин сузади. Югурганида эса тезлиги соатига 65 километрдан ҳам ошади.

## ТУРФА ОЛАМ

# Энг юпқа смартфон



**ОРРО (ХИТОЙ) КОМПАНИЯСИ ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИШИ КУТИЛАЁТГАН АППАРАТ ЯРАТИШГА КИРИШДИ.**

Манбада қайд этилишича, янги смартфон корпусининг қалинлиги 6,65 мм. бўлиб, ҳозирда мавжуд смартфонлардан 0,03 мм.га кичик экан. Шу боис, Орро смартфони келгусида Huawei Ascend P1 S туркумига кирувчи смартфонлар ичида энг юпқаси деб топилиши мумкин. Ҳозирча аппаратнинг техник имкониятлари ҳақида бирор нима дейиш қийин. Фақат шуни айтишимиз мумкинки, Орро смартфонининг ён қисми металдан ишланган. Шунингдек, унда учта сенсор тугмача ҳамда док-станцияларга уланиш имконини берувчи алоқа тизими мавжуд.

# "Ақлли" ғилдирак

**ЛЕЙПЦИГ (ГЕРМАНИЯ) АМАЛИЙ ИЛМЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН "ИНТЕЛЛЕКТУАЛ" АВТОШИНА ЯРАТИЛДИ.**



"Ақлли" автошиналар ўта чидамли бўлиб, ҳар қандай об-ҳаво ўзгаришларига осонгина мослаша олади. Автошинага ўрнатилган махсус датчиклар ташқарида ҳукм сураётган об-ҳаво ҳақида маълумот бериб туради. Ана шу маълумотлар асосида покрышканинг профили ва протектори ўз кўринишини ўзгартириб туради. Натижада, ҳайдовчи йўл машаққатлари билан боғлиқ муаммоларга вақт сарфламайди. Қолаверса, "интеллектуал" шинали машина автоматик тарзда бошқарилади. Шу боис, ҳайдовчи автомобилдаги носозликлар ҳақида доимий равишда хабардор бўлиб туради.

# Видеокамерали кўзойнак

**МИЧИТАКИ ХИРОСЕ БОШЧИЛИГИДАГИ БИР ГУРУҲ ОЛИМЛАР ОЗИШГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ КЎЗОЙНАК ЎЙЛАБ ТОПИШДИ.**



Олимларнинг гапига қараганда, "Meta Cookie+" видеокамерали кўзойнаги бурун устига тақилганда товоқдаги овқат миқдори 2-3 ҳисса кўпдек туюларкан. Табиийки, бундай пайтда инсон овқатни тўйгунча ейди. Кўзойнак ҳам худди шу принципга амал қилади. Уни таққан инсон кун сайин оз-оздан овқатланишга кўникади. Тажрибалардан аён бўлишича, ушбу кўзойнакни таққан одамлар кунига 10 фоиз камроқ овқат истеъмол қила бошлашган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 519, Адади — 8551. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Дилфуза РЎЗИЕВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40.
ISSN 2010-7714

1 2 3 5